Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 179 (4895).

11 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

50 ЦЕНТНЕР УЧУН



ПЎЛАТ Тошхўжаев Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида бир неча йилдан бери бригадага бошчилик қилади. Унинг бригадаси ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Ингим-теримда машиналардан унумли фойдаланди. Донгдор пахтакор раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари бу йил гектаридан эллик центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқдалар. Далаларидаги ҳосилнинг чўғи ана шу социалистик мажбурият шараф билан бажарилишидан дарак бериб турибди. Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Пўлат Тошхўжаев

А. Абалян фотоси.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ШАЙ

Республикамиз механик-хайдовчиларининг мамлакатимиз барча пахтакорларига мактуби Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхоз аъзоларини гайратига-гайрат қўшиб юборди. Ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олишга қарор қилган хўжалик механизаторлари машиналарнинг юксак унум билан ишлашини таъминламоқ учун мавжуд бўлган ҳамма имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Пахтазорларни бегона ўтдан тозалаш, ўқариқларни кўмиш, машинанинг қайтиш ерларидаги ғўзаларни ўриб олиш, жойини текислаш ишлари тугалланмоқда. Колхоз механизаторлари дефолиацияни ҳар йилдагига қараганда бу йил сифатли ўтказаётирлар. Мавжуд 6 та «ОВХ-14» агрегатидан ҳозир 5 таси юқори унум билан ишлаб, кунига 80—90 гектар ердаги ғўзани дефолиация қиляпти.

Механизаторлардан Турғун Байбўсинов, Умар Жумақулов, Бегали Соатов, Йўлдош Ҳамроев ўртоқлар 15 гектар ўрнига ҳар куни 20—22 гектардан ғўзага дори сепишяпти. Уларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. 2 та прицепга ўрнатилган цистерна билан сув ва химикатлар тракторлар ишлаб турган жойга элтиб бериб турилади. Ҳар цистернада 2 тадан заправщик бор. Сафар Тиллабердиев, Абу Иброҳимов, Эрғаш Турдибоев ўртоқлар чаққон ишлаб нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Механизаторлар махсус кийимлар билан таъмин этилганлар. Бундан ташқари, фельдшер Ҳайдарали Исмоилов уларга медицина ёрдами кўрсатиш учун бириктириб қўйилган. Улар ҳар куни икки маҳал сифатли иссиқ овқат, шунингдек сут-қатиқ билан таъминланишган. Етоқда телевизор, радиоприёмник, шахмат-шашка, газета ва журналларнинг янги сонлари бор.

— Биз бу йил дефолиация қилинган ердаги пахтани машина билан бир марта териб олгач, кейин дисикация ўтказамиз, — дейди ўртоқ Эсонқулов, — бу орада чигитлар анча тўлишиб олади. Агар дисикацияни кетма-кет ўтказадиган бўлсак, пишиб етилмаган кўсакларни нобуд қилиб қўямиз.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти белгилаган тадбирга мувофиқ йиллик пахта тайёрлаш планини 10 октябргача, мажбуриятни эса 20 октябргача бажариш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 27 та машина 10 сентябрдан теримга тушади. Ўтган йили «Пўлат этак»лардан 160 тонна дур тўккан моҳир механизатор Умарали Маматқулов бу йил 220 тонна пахта термоқчи. Коммунист шофёр Мурод Норқулов билан Турсунбой Раҳмонов ўртоқлар бу йил машинада пахта теришмоқчи.

Ҳозир колхознинг 6 та бригадасида кичик-кичик карталардаги пахталар қўлда терб олиняпти. Коммунист ўртоқ Асқар Усаров бошлиқ 5-бригадада Умриниса Ҳамроева, Ҳалима Усарова, Ортиқой Оқбоева, район Советининг депутати Фотима Мавлонова, Анорбуви Тўрақуловалар кўпмингкилограммчилар мусобақасига қўшилиб, ҳар куни 100—120 килограммга етказиб пахта теришмоқда.

Колхоз партия ташкилоти колхозчи ҳамда механизаторларнинг пахта терими пайтида унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб қўйибди. Дала шийпонлари жиҳозланган. Колхозчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун у ерда ҳамма нарса муҳаё.

Механизаторлар «пўлат от»ларини дала томон буришни ошиқиб кутмоқдалар.

Т. ИЎЛДОШЕВ.

САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА МЎЛ БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САБЗАВОТКОРЛАРИ ВА БОҒБОНЛАРИ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРГА

М У Р О Ж А А Т И

Икки орденли Тошкент область колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, КПСС XXIV съезднинг аҳолининг бу қимматли маҳсулотга бўлган талабини тўлиқ қондириш юзасидан белгилаган қарорларини муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бу йил давлатга 300 минг тонна сабзавот, 50,5 минг тонна картошка, 38 минг тонна мева ва 53 минг тонна узум сотиш мажбуриятини олдилар.

Область сабзавоткорлари деҳқончилик маданиятини ошириш, илғор агротехника ютуқларини ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини жорий қилиш, экиларни ва мевали боғларни илғор усуллар асосида парваришлаш йўли билан Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг ғоят катта ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли яхши ҳосил етиштирдилар.

Ҳозир областнинг барча сабзавоткорлари, қартошкачилари, боғбонлари ва соҳибкорлари олдида беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун ишни муваффақиятли якунлаш даври келди.

Биз етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини, нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва шаҳар аҳолисини сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш кераклигини жуда яхши тушунамиз.

Шу билан бирга экинлар парваришини ва мева кўчатларини парвариш қилишни бир лаҳза бўлса ҳам тўхтатиш мумкин эмас. Зарур бўлган жойларда тупроқни юмшатиш, экинларни суғориш, озиқлантириш, бегона ўтларни юлиб ташлаш, экин зараркунандаларига ҳамда касалликларига қарши курашиш зарур.

Мўл ҳосил тўплаш учун барча агротехника қоидаларини пухта ўтказишга ва келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратишга алоҳида аҳамият бериш жуда муҳимдир. Етарли миқдорда уруғлик тайёрлаш, парник хўжалигини тахт қилиш, экинлардан бўшаган ерларни шудгорлаш, полиэтилен пленкаларидан фойдаланиб, қишки экинларни кенг майдонларда экиш лозим.

Биз йиғилиш қатнашчилари, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини ҳартомонлама муҳокама қилиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукумати томонидан ўз олдимизга қўйилган вазифаларни атрофлича муҳокама қилдик.

Область хўжаликлари шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни ошириш ҳисобига беш йилликнинг учинчи йилига белгиланган план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, қўшимча равишда кўплаб маҳсулот тайёрлаш мақсадида самарали меҳнат қилаётирлар.

Шу масъулиятли даврда колхоз, совхоз, партия ва совет органларининг бironта ҳам ходими сабзавот, мева ва узумни йиғиб-териб олишдан четда қолмасин. Қишлоқ хўжалик, тайёрлаш ва савдо ташкилотларининг мутахассислари ва раҳбарлари Тошкент ҳамда бошқа шаҳарларнинг аҳолисини кўк ва янги сабзавот, картошка, мева ва узум билан таъминлашни яхшилаш йўлида қўшимча тадбирларни белгилаб чиқиши, сабзавот ва меваларнинг қишда яхши сақланишини таъминлашлари тадбирларини кўриш, шаҳар савдо ва тайёрлов ташкилотларига контрактация шартномаларида белгиланган миқдорда сабзавот ва мева етказиб беришлари зарур.

Биз савдо ва тайёрлаш ташкилотлари ходимларини шаҳар аҳолисига маҳсулотни сифатли етказиб беришлари учун ҳосилни ўз вақтида ташиб келтириш ва сотишни намунали йўлга қўйишга чақирамиз. Қурилиш ташкилотлари, оталик корхоналари ва буюртмачилар коллективи сабзавот ва мева сақлаш иншоотлари қуриш суръатини ва сифатини кескин оширишлари, шунингдек аҳолини бутун йил давомида помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар билан таъминлаб туриш мақсадида колхоз ва совхозларда теплица қурилишини кучайтиришлари зарур.

Картошка, сабзавот, полизчилик илмий текшириш институти, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг олимлари ва мутахассислари колхоз ва совхозларнинг фаолиятида фан ютуқлари, илғор тажриба, техника прогресси, хўжаликларни ихтисослаштириш, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ва бригадаларининг малакасини ошириш юзасидан актив иш олиб боришлари зарур.

Биз ҳар бир мутахассис ва хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, техникадан фойдаланишни яхшилаш, етиштириладиган маҳсулот таннархини камайтириш ишида ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир хўжаликда ҳосилдорликни энг илғор колхоз ва совхозлар даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Колхоз ва совхозларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, картошка, сабзавот, мева тайёрлашни яхшилаш ва аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлашда район, область, қишлоқ хўжалик органлари зиммасига жуда катта масъулият тушади.

Биз сув хўжалиги ходимлари хўжаликларда тупроқ унумдорлигини оширишда ерларни капитал текислашда, янги ва бўз ерларни ўзлаштиришда жуда катта ёрдам берадилар деб ишонамиз. Сув хўжалиги ходимлари Бустонлиқ канали қурилишини тезлаштирадилар. Бунинг учун улар Ҳандам каналига бетон ётқизиш, «Рамадан», «Ҳандам» ва «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» насос станциялари қурилишини жадаллаштиришлари керак.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбуриятларни бажаришларида, социалистик мусобақани янада кенг ёйишда ва тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун барча шарт-шароитлар яратиб беришда партия ва касаба союз ташкилотлари катта иш қилишлари керак.

Колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳар бир сабзавоткор, боғбон ва соҳибкорнинг унумли меҳнат қилиши учун уларнинг ижодий активлигини қўллаб-қувватлаш, ихтисослашган бригада ва хўжалик ходимларининг ташаббускорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

Биз қўш орденли Тошкент областининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг картошка, сабзавот, мева етиштириш ва тайёрлашни яхшилаш учун аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш, КПСС XXIV съезди қарорлари асосида совет халқи фаровонлигини янада ошириш учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар деб ишонамиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ—БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚАҲРАМОНИ

СОФИЯ, 8 сентябрь. (ТАСС). БТА агентлигининг хабарида бундай дейилади: Болгария Халқ Республикасининг давлат кенгаши қарор қилди: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашчи ўртоқ Л. И. Брежневга Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони берилсин. Фарманда айтиладики, Л. И. Брежнев Болгар—Совет дўстлигини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ҳамда Болгария Халқ Республикасида социализм қуриш ишидаги ғоят катта хизматлари учун, гитлерчилар фашизмини тор-мор келтиришда ва халқлари озод қилишда актив қатнашганлиги учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг коммунизм қуришдаги ленинча бош йўлини ва совет давлатининг тинчлик сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга шахсан ҳисса қўшганлиги учун, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлида, социалистик ҳамдўстликни, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳамда миллий озодлик курашининг сафларини жипслаштириш йўлида, ялпи тинчликни, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай қилаётган фаолияти учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

МОСКВА.

Азиз ўртоқ Брежнев,

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикасининг давлат кенгаши ва Министрлар Совети Сизга социалистик давлатимизнинг энг юксак унвони — Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони унвони берилганлиги билан Сизни ғоят ҳурсандлик ва қардошларча самимият билан қутлайдилар ҳамда Болгария коммунистлари, катта-кичик болгар меҳнаткашларининг ҳаммаси, бутун болгар халқи Сизга чуқур ҳурмат, самимий муҳаббат билан қараётганликларини ва Сиздан ғоят миннатдор эканликларини изҳор этадилар.

Болгария Халқ Республикаси Сиз азиз Леонид Ильични Болгариянинг янги тарихига бебаҳо ҳисса қўшганлигингиз ва ниҳоят даражада катта хизматлар қилганлигингиз учун республикамизнинг катта байрами — 9 сентябрь арафасида мукофотлади. СССРнинг равнақи ва қудрати учун, бутун дунёда коммунизм тантанаси учун курашга бағишланган Сизнинг бутун тинимсиз ва матонатли фаолиятингиз Болгарядаги социалистик революция галабаси билан, азиз ватанимизнинг социалистик болқиши билан ҳам чамбарчас боғланган.

Болгар халқи Сизни улуғ совет халқининг, КПСС ва совет давлатининг атоқли фарзанди ва раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун бутун дунёга таниқлган ва ҳамма эътироф қилган курашчи деб — партия ва жамиятга раҳбарлик қилишда Ленин традицияларининг муносиб давомчиси деб билади ва севади.

Бутун дунёнинг коммунистик партиялари, коммунистлари ва меҳнаткашлари Сизнинг талантингизни ҳамда КПССнинг ленинча бош йўлини ишлаб чиқишни давом эттиришга ва уни СССРда коммунизм қуришда амалга оширишга Сиз таклиф қилган ва КПСС XXIV съезди тасдиқлаган Тинчлик программасини амалга оширишга, социалистик ҳамдўстликни, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини тағин ҳам кўпроқ ва маҳкамроқ жипслаштириш учун, халқлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ҳар доим кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун, марксизм-ленинизм ғояларининг тўла ғалаба ва тантана қилиши учун курашга шахсан қўшган ҳиссангизни юксак даражада қадрлайдилар. Сиз мана шу ғоят олижаноб ва самарали, ленинча принципиал ва узоқни кўриб қилаётган фаолиятингиз учун халқларнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлдингиз ва шу туфайли Сиз давримизнинг энг йирик сиёсий арбобларидан бири бўлиб турибсиз.

Сиз, азиз Леонид Ильични, биз болгар халқининг қалин дўсти, ҳаётбахш Болгар-Совет дўстлигининг толмас курашчиси, деб биламиз ва табриклаймиз. Жаҳонда биринчи социалистик жамиятнинг ватани ва ҳозирги замондаги социал тараққиётнинг авангарди бўлган СССР билан қардошларча дўстлик болгар халқининг иши ва тақдиридир. Шунинг учун ҳам партиямиз ва давлатимизнинг улуғ Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама яқинлашишга қаратилган йўли ўзгармас йўлдир, шунинг учун ҳам Болгар-Совет дўстлигини ривожлантиришга, мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга шахсан катта ҳисса қўшганлигингиз туфайли Сизга бўлган ташаккуримиз чексиздир.

Тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳозирги халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлидаги ғоят катта хизматларингиз учун болгар халқининг чуқур миннатдорчилигини изҳор қиламиз. Совуқ урушдан планетамизнинг халқлари ва давлатлари ўртасида тинч ҳамкорлик қилиш сари бурилиш амалга оширилаётганлигига Сиз қўшаётган тарихий ҳиссани ҳозирги кунда жаҳон халқлари миннатдорчилик билан ва ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Кенг кўламда ленинча принципиаллик билан, мураккаб ва гуркираб ривожланаётган ҳозирги замон проблемаларига чуқур илмий ва ижодий ёндошиб, партия ва халқ кучига, бутун дунё коммунистлари ва коммунистик партиялари бирлигининг кучига оғишмай ишониб амалга ошираётган жуда катта ва ҳар томонлама фаолиятингиз ўзининг бутун кучини ва талантини одамларнинг фароғати ва бахт-саодатига, коммунизм тантанасига тўла-тўкис сарфлаётган ва ленинча мактаб таълимини олган коммунистик арбобнинг, раҳбарнинг ва йўлбошчининг намунасидир.

Жанговар ўртоғимиз ва бирадаримиз—Сиз, ҳурматли ўртоқ Брежневга чин кўнгилдан сиҳатсаломатлик ҳамда ҳар бир болгар коммунистига, ҳар бир болгар қалбига шу қадар қадрли бўлган юксак олижаноб ишингизда тағин ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

Биллурдек соф, тарих синовларидан ўтиб чиниққан, халқимизга қўйи ва ҳаво каби зарур бўлган Болгар-Совет дўстлиги асрлар бўйи ривожланаверсин ва яшнайберсин!

Буюк галабамиз бўлган, марксча-ленинча икки партия ўртасидаги, икки социалистик давлат ўртасидаги, икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларнинг намунаси бўлган Болгария Коммунистик партияси билан КПСС ўртасидаги, Болгария Халқ Республикаси билан СССР ўртасидаги, болгар ва совет халқлари ўртасидаги бирлик мустаҳкамланаверсин!

Сизни қардошларча қучамиз.

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ
БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

София, 1973 йил 8 сентябрь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — Халқ хўжалиги планига нисбатан бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Чиноз	0,51	1,42
Пискент	0,23	1,25
Янгийўл	0,33	1,06
Бекобод	0,34	0,81
Бўка	0,11	0,51
Ўрта Чирчиқ	0,15	0,15
Оққўрғон	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Область бўйича	0,18	0,54

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	5,8	96,2
Бўка	9,7	72,1
Юқори Чирчиқ	12,7	70,5
Пискент	12,8	70,3
Оққўрғон	19,0	61,7
Ўрта Чирчиқ	10,2	47,8
Янгийўл	10,4	44,2
Чиноз	9,8	35,3
Область бўйича	11,5	64,2

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилгани (гектар ҳисобида), иккинчи стун — дон тайёрлаш (процент ҳисобида).

Чиноз	51,4	56,7
Бекобод	45,7	6,1
Пискент	43,8	5,8
Бўка	43,1	21,4
Янгийўл	42,6	27,6
Оққўрғон	42,1	1,5
Калинин	32,5	27,2
Бўстонлиқ	31,9	—
Юқори Чирчиқ	28,9	35,5
Ўрта Чирчиқ	27,2	20,3
Оҳангарон	10,1	3,4
Орджоникидзе	7,6	—
Область бўйича	33,4	16,2

А. Н. КОСИГИННИНГ ЮГОСЛАВИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Югославия Социалистик Федератив Республикаси Иттифоқ ижроия вечасининг раиси Ж. Биедичнинг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин сентябрь ойининг иккинчи ярмида расмий дўстона визит билан Югославияга боради.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда область ижроия комитетининг раиси **С. А. Асомов** «Область колхозлари ва совхозларида жамоат чорвачилигининг аҳволи ва уни келгусида янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди. Область Советининг қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссияси раиси **А. И. Имомалиев** қўшимча доклад қилди.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Т. Тошқулов**нинг областда Ўзбекистон ССР Ер кодексига қандай амал қилинаётгани ҳақидаги доклади муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

БУТУН МАМЛАКАТ—ТОШКЕНТ ЭКРАНИДА

ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМЛАР V БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Экран ва телевизион антеннадан иборат эмблема Узбекистон пойтахтини безатди — унинг алоҳида моҳияти бор. Чунки бу эмблема миллион-миллион зангори экран олдида йиғилувчи энг катта аудиториянинг рамзи, мамлакатимизда санъат ҳақиқатини томошабинларга намоён этувчи барча студияларнинг рамзидир.

Тошкентда ўтказилаётган бешинчи Бутуниттифоқ фестивалининг катта экрани кейинги йилларда телевизион фильмлар соҳасида яратилган энг яхши асарларни кўрсатади.

Фестиваль 10 сентябрда очилди. Шу катта кўрик қатнашчилари—мамлакатимиздаги телевизион студиялар ва киностудияларнинг ижодий ходимлари Узбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари Тошкентдаги округ офицерлар уйининг катта залида йиғилишди.

Фестиваль ташкилот комитети раисининг ўринбосари — Узбекистон ССР Министрлар Совети Давлат телевидение ва радиоэшитириш комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов кечани очди.

(Давоми 3-бетда)

ЮБИЛЕЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Абу Райҳон Беруний туғилган кунинг 1000 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси ўз ишини тамомлади.

7 сентябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида якунловчи ялпи мажлис бўлди. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги А. С. Субатзода ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддинов «Беруний ва ижтимоий фанлар», «Беруний ва табиий фанлари» секцияларининг иши тўғрисида ахборот бердилар. Конференция совет ва чет эл олимлари қилган эллликдан ортиқ докладни муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов илмий анжуман ишларини якунлаб, конференция Ўрта Осиёнинг улуғ энциклопедист олими асарларини тадқиқ қилишга жуда катта ҳисса қўшди, Беруний меросини бундан буён ўрганиш йўлларини белгилаб олишга ёрдам берди, деди.

Абу Райҳон Берунийга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясида қилинган доклад ва ахборотларни нашр этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

БЕРУНИЙГА БАҒИШЛАНДИ

8 сентябрда Берунийда шаҳар жамоатчилигининг Ўрта Осиёдик буюк қомусчи олим Абу Райҳон Беруний туғилган кунинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда меҳмонлар — Москва, Боку, Киев, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган олимлар ҳам қатнашди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Е. Айтмуродов кириш нутқи сўзлаб мажлисни очди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси, тарих фанлари доктори С. Қ. Камолов Абу Райҳон Беруний туғилган кунинг 1000 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

СССР Фанлар академияси президиуми ижтимоий фанлар бўлимининг илмий секретари, тарих фанлари доктори В. А. Кунаев, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги А. С. Сумбатзода, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик И. М. Мўминов, техника фанлари доктори, Украина ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Н. Боголобов ва бошқалар ҳам мажлисда нутқ сўзлашди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, КПСС Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлими секторининг мудири С. С. Хромов қатнашдилар.

Шу куни шаҳар марказида тантанали вазиятда Абу Райҳон Берунийга ҳайкал очилди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛСИН

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Олмаотада ўтказилаётган бешинчи конференцияси 9 сентябрда ўз ишини тугаллади. Бу ваколатли учрашувда Осиё ва Африканинг 55 мамлакатидан келган вакиллар ва шунингдек барча қитъалардаги 17 ташкилот ва ёзувчиларнинг уюшмаларидан келган меҳмонлар қатнашди. Мунозаралар чоғида улар ёзувчиларни янада бирлаштиришнинг йўллари ва шакллари тўғрисида, бадиий ижодиётнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ошириш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Олти кун давом этган конференцияда сўзга чиққанлар мустақиллик учун, империализмга, мустамлакачиликка ва сионизмга қарши, бутун дунёда тинчлик учун курашаётганларнинг биринчи сафларида турган тараққипарвар санъаткорларнинг юксак бурчи тўғрисида гапирдилар.

Тўққизинчи сентябрда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг қатнашчилари Ўрта асрнинг улуғ энциклопедисти олими Ал-Форобий хотирасига бағишланган мажлисда Қозоғистон жамоатчилиги билан бирга иштирок этдилар. Ал-Форобий туғилган кунинг 1100 йиллиги 1975 йилда жаҳонинг кўп мамлакатларида нишонланади.

Мажлисни Қозоғистон ССР Фанлар Академиясининг президенти Ш. Е. Есенов кириш нутқи сўзлаб очди. Академик Б. Г. Гафуров ва Қозоғистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси А. Х. Қосимжонов доклад қилдилар.

Ёзувчилардан Абдил Раҳмон Ал-Шаркавий (Миср Араб Республикаси) ва Халил Абдил Азиз (Ироқ) Ал-Форобийнинг жаҳон маданияти ҳазинасига жуда катта ҳисса қўшганлигини айтиб ўтдилар. Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқлари каби араб халқлари ҳам бу олим билан ҳақли равишда фахрланадилар, дейишди нотиқлар.

Мажлисда Покистоннинг кўзга кўринган шоири, «халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Файз Аҳмад Файз ва Сурия Араб Республикаси ёзувчилари делегациясининг раҳбари Адиб Баҳожати ҳам сўзга чиқдилар. Улар совет олимларининг ўрта асрнинг улуғ мутафаккири асарларини ўрганиш борасидаги фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Мажлисда Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Б. Ниёзбеков, Қозоғистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Юсуф Ас-Сибоийи, СССР ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа совет комитетининг раиси К. Яшин, Қозоғистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

* * *

Конференция ишининг охирги кунида унинг делегатлари ва фахрий меҳмонлари Қозоғистон пойтахтидаги парклари ва дўстлик хиёбонини барпо қилишда қатнашдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари бешинчи конференциясининг якунловчи ялпи мажлисини Юсуф Ас-Сибоийи очди. Сўнгра Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи совет комитети раисининг ўринбосари А. В. Софронов сўзга чиқди. У уюшманинг янги раҳбарлигига кимлар сайланганлигини маълум қилди. Янги сайланган бош секретарь Юсуф Ас-Сибоийни ва унинг икки ўринбосари — Алекс Ла Гуманг (Жанубий Африка Республикаси) ва Субхас Мукержини (Ҳиндистон) мажлис аҳлига таништирди.

Халқаро «нилуфар» адабий мукофотининг 1973 йилги лауреати — Жазоирнинг таниқли шоири, романчиси ва драматурги Котиб Ёсинга тантанали вазиятда топширилди.

Делегатлар снёсий комитети ва иккала маданий комитет таклиф қилган махсус резолюцияларни қабул қилдилар.

«Ҳинди-Хитойга доир» резолюцияда конференция қатнашчилари Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисда Париж битими имзоланганлигини табрикладилар. Шу билан бирга улар мана шу битимларнинг шартлари муттасил бузилаётганлиги натижасида шу вақтгача ўт очишни батамом тўхтатишга эришилмаганлигидан жиддий ташвишланаётганликларини изҳор этдилар.

Резолюцияда жаҳон халқлари Жанубий Вьетнам халқларининг бирдан-бир қонуний вакили бўлган Жанубий Вьетнам Республикасининг ҳукуматини таниш учун курашни кучайтиришга даъват этилади. Анжуман қатнашчилари Лаос ва Камбоджа халқларининг однлона курашига ўзларининг бирдам эканликларини ҳам айтдилар.

«Исроилнинг араб мамлакатларига қарши давом этаётган агрессияси тўғрисида»ги резолюцияда айтиладики, Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессиясини қатъий равишда қоралайдилар. Араб халқларининг адолатли курашига ўзларининг бирдам эканликларини изҳор қиладилар. Араб халқларининг тарихий революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш ишидаги позицияларини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган курашига Совет Иттифоқи бераётган катта мададни конференция қадрлайди.

Конференция ватанга қайтиш учун, ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи учун курашаётган Фаластин халқига қизғин салом йўллайди ва қардошларча бирдамлик изҳор этади.

«Африка халқларининг озодлик курашлари билан бирдамлик» деган резолюцияда айтиладики, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси Португалия мустамлакаларида — Ангола, Мозамбик, Гвинея (Бисау), Яшил Бурун оролларида ва Сантомедаги курашаётган халқларни қўллаб-қувватлайди ҳамда уларнинг миллий озодлик учун курашдаги муваффақиятларини табриклайди. Конференция империализм кучларининг Португалия, Жанубий Африка ва Родезия ирқчилари билан тил бириктирганлигини қатъий равишда қоралайди.

«Чили халқининг ғалабасига қарши курашини қувватлаш» резолюциясида Осиё ва Африка ёзувчилари Чили халқини революцион ғалабаларидан маҳрум этишга уринаётган ички ва халқаро реакциянинг жиноий ҳаракатларини қатъий равишда қораладилар. Конференция қатнашчилари Чили халқининг курашига бирдамлик изҳор этдилар, унинг танлаган йўлида ғалаба қозонишини истаганликларини билдирдилар.

Конференциянинг маданий комитетлари қабул қилган резолюцияларда ёзувчилар ўзларининг қаламкаш биродарларини янги мустамлакачиликнинг реакцион идеологиясини фош қилиб ташлашга, Осиё ва Африка мамлакатларининг маданий ҳаётига шу идеологиянинг суқилиб киришига қарши кураш олиб боришга даъват этдилар.

Конференция қатнашчилари якунловчи ҳужжат-умумий декларацияни гулдурос қарсаклар остида қабул қилдилар.

Шу ҳужжатда айтиладики, конференция Африка ва Осиё ёзувчиларининг ҳаракатини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Африка ва Осиё ёзувчилари ҳаракати бошлангандан бери ўтган йиллар давомида, дейилади декларацияда, тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт кучлари ўсиб борди ва айни вақтда империализм ҳамда реакция позициялари заифланаверди. Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши ғалаба билан тугади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнамга бериб турган ёрдам бу ғалабани қўлга киритишни кўп жиҳатдан таъминлади. Вьетнамнинг қўшниси бўлган Лаосда тинчликни тиклаш ва миллий иноқликка эришиш тўғрисида битим тузилди. Қўшни мамлакатлар бўлган Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ҳукуматлари келишмовчиликларни тугатиш чораларини кўрдилар.

«Биз, дейилади сўнгра конференцияда, Камбоджада қон тўкишни дарҳол тўхтатишни талаб қиламиз.— Биз Исроил қўшинларини оккупация қилиниб турган араб ерларидан олиб чиқиб кетишни қатъий, талаб қиламиз. Фаластин халқининг ўз миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаймиз. Биз Жанубий Африкадаги ва Родезиядаги ирқчилик режимларини жуда қатъий равишда қоралаймиз. Ангола, Гвинея (Бисау) ва Мозамбикнинг озодлик учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаймиз. Биз социалистик ва демократик ривожланиш йўлини танлаб олган Чили ва бошқа мамлакатларнинг халқларига бирдамлик изҳор қиламиз ҳамда уларга ҳар доим муваффақиятлар тилаймиз.

Биз, Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари шуни яхши биламизки, ҳозирги дунёда реакциянинг барча формалари империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, феодализмга қарши кураш тўхтаётгани йўқ. Социалистик мамлакатлар, айниқса Совет Иттифоқи барча мазлум халқларнинг озодлик учун олиб борилаётган курашида уларнинг ҳар доим ишончли иттифоқчилари бўлганликлари, иқтисоди ривожланиши, техника ва маданият соҳасидаги ўзларининг қимматли тажрибаларини ҳар доим уларга аямай бериб турганликларини биламиз. Социалистик мамлакатлар ва айниқса Совет Иттифоқи озодликка эришган мамлакатларнинг эркинлигини мустаҳкамлашларига, маданий ривожланишларига, халқларнинг ижодий энергиясини тиклашларига ҳар доим ёрдам бермоқдалар.

Бутун дунёда тинчлик учун, инсониятни озод қилишдан иборат буюк тарихий мақсадга эришиш учун, социализмга олиб борувчи социал ўзгаришлар қилиш учун кураш, антиимпериалистик кураш жаҳон фронтининг ажралмас қисми эканлигини тушуниб турибмиз, дейилади умумий декларацияда, — Шунинг учун ҳам биз халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ҳаракатларнинг ҳаммасини ва айниқса Совет Иттифоқининг кейинги вақтларда қилган ишларини қўллаб-қувватлаймиз. Биз Осиё ва Африка мамлакатларининг муваффақиятлари ривожланиши ва миллий тикланиши учун шароит вужудга келтираётган тинчликсевар кучларнинг муваффақиятларини табриклаймиз.

Биз ҳарбий бюджетларнинг кўпайтирилишига, ядро қуроли запасларининг вужудга келтирилишига «ўта буюк давлатлар», «учинчи дунё» деб номланган мамлакатларнинг манфаатлари зарарига тил бириктирганлар, деган баҳона билан «совуқ уруш»ни абадийлаштириш йўлидаги уринишларга қарши курашмоқдамиз.

Биз тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказиладиган жаҳон конгрессини табриклаймиз. Бу анжуман тинчлик, демократия ва миллий озодлик учун олиб борилаётган антиимпериалистик курашда янги босқич бўлишига ишонамиз. Бутун дунёдаги, хусусан Осиё ва Африкадаги тараққипарвар ёзувчиларнинг иштирок қилиши бу конгрессининг муваффақиятли ўтишига ҳеч шубҳасиз, ёрдам беради».

Осиё ва Африка халқларининг бирлигига ва уларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлигига, путр етказишга интилаётган, қирғин урушларни авж олдирмоқ ва геноцидни такрорламоқ учун феодализм, шовинизмдан ва қабилачилик хусусатларидан фойдаланишга уринаётган ва тинчликка қарши ҳаракат қилаётган душманларни конференция қатнашчилари қораладилар. Бизнинг мақсадимиз, дейилади ҳужжатда, иқтисодий ва сиёсий эксплуатациядан ҳоли бўлган жамият қуришдир.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг навбатдаги конференциясини 1977 йилда Кенияда чақиришга қарор қилинди.

Пировардида конференция раиси, СССР ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков нутқ сўзлади. У шу анжуманни чақириш йўлида самарали ишлар қилган халқаро ташкилот комитетига ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бош секретари Юсуф Ас-Сибоийга конференция қатнашчилари номидан ташаккур айтди. Шу билан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бешинчи конференцияси тугади.

* * *

9 сентябрда Қозоғистон ССР ҳукумати конференциянинг делегатлари ва фахрий меҳмонлари учун қабул маросими ўтказди.

В. ГАНЖА,
П. КОСОЛАПОВ,
А. МУСТАФИН,
ТАСС махсус мухбирлари.

ТОШКЕНТ метроси қурувчиларидан бир группаси биринчи участка районида тоннель бунёд этишмоқда. Проходькачи Неъмат Хўжаев ана шу участка илғорларидан саналади. У смена топшириқларини белгиланганидан анча ошириб бажармоқда. Суратда: Н. Хўжаев.

«ТАШСЕЛЬМАШ»нинг заводининг металлургия цехи қорхонада илғор коллективлардан саналади. Юқори сифатли қуйма металл чиқараётган мазкур цех ўз йиллик топшириқларини муттасил бажариб келади. Суратда: Металл қуювчи Султон Акбаров иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ТОШКЕНТ ЁЗУВЧИЛАР АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Олмаотада ўз ишини тамомлаган конференцияси қатнашчилари бўлган совет ва чет эл ёзувчиларидан бир группаси 10 сентябрда Ўзбекистон пойтахтига келди. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш қаламкашлари Тошкентга келдилар. Бу ерда совет ёзувчилари билан ана шу мамлакатларнинг ёзувчилари думалоқ стол атрофида учрашдилар.

Меҳмонлар республика ҳаёти билан танишдилар, саноат корхоналарида, колхозларда, илмий институтларда ва ўқув юртларида бўладилар. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг ёшлари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ

Социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашуви — Халқаро ҳаётдаги муҳим ва катта сиёсий воқеадир. Шу учрашувнинг якунлари тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш ишига қўшилган янги катта ҳисса бўлди.

Агитаторларга ва сиёсий ахборотчиларга Қримдаги учрашувга бағишлаб суҳбатлар ўтказиш унинг натижаларини чуқур ва ҳар тарафлама тушинтириш тавсия этилади.

СИЕСИЙ АХБОРОТЧИЛАР, АГИТАТОРЛАР ВА СИЕСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАР УЧУН ЁРДАМ ТАРИҚАСИДА

МАВЗУ: Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлиги ва якдилиги — тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили.

Шу мавзуда гапирганда икки энг асосий масалага тўхталиб ўтиш мумкин:

1. «Совуқ уруш» муносабатларидан кескинликни юмшатишга ўтиш социализм мамлакатлари куч-қудратининг мустаҳкамланганлиги, уларнинг ўзаро келишиб тутган сиёсатининг натижасидир.

2. Вужудга келган қулай ўзгаришларни мустаҳкамлаш, бутун дунёни кескинлик юмшаган зонага айлантириш лозим.

1. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси социалистик мамлакатлар — Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Коммунистик ҳамда ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган учрашуви якунларига юксак баҳо берди. Бу учрашув социалистик ҳамдўстлик мавқеини, қардош партияларнинг кучайиб бораётган бирлигини ҳар тарафлама мустаҳкамлашда, социалистик давлатларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва уларнинг сиёсатини ўзаро мувофиқлаштиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегациясининг фаолияти тўла-тўкис маъқулланди.

Социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг ўзаро мунтазам суратда маслаҳатлашиб турғиси яхши традиция бўлиб қолганлигини суҳбатда таъкидлаб ўтиш зарур. Бу эса миллий ва шунингдек интернационал вазифаларни ҳал этиш йўлида қардош партияларнинг куч-ғайратини бирлаштиришнинг таъсирчан формасидир. Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашув ҳам айни шу мақсадни кўзлаган эди.

Агитаторлардан ва сиёсий ахборотчилардан «Совуқ уруш» муносабатларидан кескинликни юмшатиш сари бурилишга нима сабаб бўлди деб, кўпинча сўрайдилар. Кейинги йилларда бўлиб ўтган воқеалар бу саволга жавоб бера олади. Бунга кўп жиҳатдан СССРнинг ва бошқа қардош социализм мамлакатларининг кучқудрати мустаҳкамланганлиги натижасида ва шу туфайли халқаро миқёсда кучлар социализм фойдасига тўбдан ўзгарганлиги натижасида эришилди.

Бу социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигининг, улар ленинча ташқи сиёсатни ўзаро келишиб, актив равишда амалга ошираётганлигининг натижасидир.

КПСС XXIV съездида қабул қилинган совет Тинчлик программаси бошқа қардош партиялар съездларининг қарорлари, Варшава Шартномаси ташкилоти сиёсий маслаҳат комитетининг баёноти, Коммунистик ва ишчи партиялар 1969 йилги халқаро кенгашининг ҳужжатлари — социалистик ҳамдўстлик давлатларининг халқаро миқёсдаги амалий ишлари учун асос бўлди. Мана шу кўп қиррали фаолият ғоят катта аҳамиятга эга бўлган конкрет самаралар бермоқда.

Нотиқлар шу фикрни кенгайтириб СССРнинг ва бошқа қардош социализм мамлакатларининг олиб бораётган ленинча ташқи сиёсатининг қуйидаги конкрет натижаларини тилга олишлари керак: Вьетнамда урушни тўхтатилиши (бу эса бутун халқаро вазиятга қулай таъсир кўрсатди), ГДРнинг халқаро ҳуқуқ жиҳатдан тўла эътироф этилиши, Чехословакия билан ГФР ўртасида муносабатларнинг нормаллашуви, Кубанинг халқаро миқёсдаги мавқеи мустаҳкамланиши, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга, АҚШга ва Францияга қилган визитларининг катта ижобий натижалари. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгашнинг муваффақиятли бошланиши.

Шу муваффақиятлар орасида Ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити алоҳида ўрин эгаллайди. Бу визит катта принципиал аҳамиятга эга бўлиб, «совуқ уруш» муносабатлари давридан, кескинликни юмшатиш даврига тўбдан бурилиш йўлидан қўйилган катта қадамдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев АҚШда бўлган чоғида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамиятини тушинтирганда, бу ҳужжатлар ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларига асосланган самарали совет ташқи сиёсатининг натижаси эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Тузилган битимлар ва шартномалар мана шу тинч-тотув яшаш принципига конкрет мазмун бағишлайди. СССР билан АҚШ ўртасида узоқ муддат мобайнида мустаҳкам негизда ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратиб беради, шу билан бирга бу ҳужжатлар умуман халқаро вазиятни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Планетамизда сиёсий муҳитнинг анча яхшиланганлиги кескин ва оғир курашнинг якунидир. Бу курашда қардош социализм мамлакатлари, жаҳондаги барча демократик ва прогрессив кучлар устун чиқди.

2. Халқаро вазиятдаги ижобий ўзгаришлар социализм билан капитализм ўзаро келишганлигини, тинчликни сақлаб қолиш учун автоматик гарантия вужудга келганлигини сира ҳам билдирмайди. Мустаҳкам тинчлик учун курашни давом эттирмоқ, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамламоқ ва ривожлантирмоқ керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Киевда, Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида бундай деган эди, «Икки системанинг жаҳон майдонидаги мусобақаси муҳолифлиги давом этмоқда. Ҳамма гап фақат шундан иборатки, бу жараён давлатлар ўртасида ҳарбий тўқнашувларга ва урушларга айланиб кетмасин, улар ўртасидаги мусобатларда куч ишлатишга ва куч ишлатиш билан дўқ қилишга йўл қўймасин ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳалақит бермасин».

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, социалистик давлатларнинг ташқи сиёсати принципиал синфий сиёсат бўлиб, тинч-тотув яшаш-синфий курашнинг бир формасидир. Бу сиёсатнинг вазифаси мамлакатимизда коммунизм қуриш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиришдан, қардош социализм мамлакатларини муваффақиятли ривожлантириш учун, халқаро коммунистик ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатига, барча антиимпериалистик фронтга кўмаклашиш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Қримдаги учрашув социалистик мамлакатлар кескинлик юмшаган зонанинг кенгайтириш учун, бутун дунёни шундай тинч зонага айлантириш учун изчиллик билан курашга аҳд қилганлигини кўрсатди. Умумевропа кенгаши ишининг муваффақиятли тугалланиши сиёсий кескинликни камайтириш билан бирга ҳарбий кескинликни ҳам камайтириш, империалистик агрессия вужудга келтирган можароларни дарҳол бартараф этиш — бунга ёрдам берган бўлур эди. Шу йил октябрь ойида Москвада тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси ўтказилиши антиимпериалистик кучлар бирлигини мустаҳкамлашга, тинчликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

Социализм мамлакатлари рўёбга чиқариш учун курашаётган энг муҳим вазифалар орасида қуйидаги вазифаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак:

Ҳинди-Хитой халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятини бериш, бутун Ҳинди-Хитойда адолатли тинчлик ўрнатиш;

ялпи тинчлик учун мураккаб ва хатарли бўлиб қолаётган Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш;

Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш.

Бу мақсадларга эришиш — осон иш эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак, Империалистик реакция жон жаҳди билан бунга қарши чиқади, жаҳон социализмининг халқаро миқёсдаги мавқеини заифлаштиришга уринади. Шунинг учун ҳам эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, янада олға қараб ҳаракат қилиш, айниқса, муҳим ва актуал вазифа бўлиб қолади. Реакцион кучларнинг «совуқ уруш» руҳида ҳаракат қилиши ва халқаро кескинликни камайтиришга қарши уринишларига нисбатан ҳамиша ҳушёр бўлиб туриш ва унга қатъий зарба бериш керак.

Суҳбат чоғида шуни уқтириб ўтиш керакки, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси Қримдаги учрашувнинг якунларига юксак баҳо бериб мазкур учрашувда социалистик давлатлар ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришга, социализм иши ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида халқаро миқёсдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қатъий аҳд қилинганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

МАВЗУ: Ҳар тарафлама ҳамкорлик — социалистик давлатларни янги муваффақиятларга эришув йўлидир.

Суҳбатни қуйидаги план асосида олиб бориш мумкин:

1. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида.

2. Идеология ва сиёсий тарбиявий ишларни янада мустаҳкамроқ мувофиқлаштириш тўғрисида.

1. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида гапирганда Қрим учрашувининг иштирокчилари бу соҳада анчагина муваффақиятларга эришилганлигини уқтириб ўтганликларини таъкидлаш тавсия этилади. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида товар оборотлари барқарор тус олмоқда. Ишлаб чиқаришни иқтисослаштириш ва кооперативлаш ҳамда йирик халқ хўжалиги проблемаларини биргаликда ҳал қилишга имкон берадиган бошқа ҳамкорлик формалари ривожланмоқда.

Бу хулосани кўрсатиб ўтиш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Социалистик мамлакатларда кейинги 22 йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми қариб саккиз баровар кўпайди. Эндиликда жаҳон саноат ишлаб чиқаришида уларнинг салмоғи тахминан учдан бир қисмга тўғри келади. Ҳолбуки, 1950 йилда саноат ишлаб чиқаришининг салмоғи бутун дунёда саноат ишлаб чиқаришининг бешдан бир қисмига тенг эди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари электрон ҳисоблаш техникаси соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқдалар. Халқ хўжалигининг хилма-хил вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган ЭВМ (электрон ҳисоблаш машиналари) яратилди ва жорий этилмоқда;

1964 йилда «Дружба» нефть қувури биргаликда қурилди. Ҳозир Совет Иттифоқидан нефть қувур орқали қардош мамлакатларга юборилмоқда. Энди нефть қувурининг иккинчи линияси қурилмоқда. Бу эса нефть юборишни икки баравардан зиёд оширишга имкон беради;

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси ва СССР биргаликда бизнинг мамлакатимиз территориясида (Усть-Илим районида) 500 минг тонна қувватга эга бўлган катта целлюлоза комбинати қуриш тўғрисида бош битим тузишди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин албатта.

Нотиқлар ўз суҳбатларида **Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг** яқинда бўлиб ўтган XXVII сессияси материалларидан фойдаланса яхши бўларди. Бу сессия социалистик интеграциялар комплекс программасини амалга ошириш масалаларини ҳар тарафлама муҳокама қилди ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг янада кенг ҳамкорлигининг конкрет йўлларини белгилади. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги кенгайганлигини кўрсатувчи хариталар, диаграммалар, схемалар агитаторлар ҳамда сиёсий ахборотчилар учун яхши ёрдамчидир.

Социализм мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги социализм ва коммунизм муваффақиятли қуриш учун шу мамлакатлар халқларининг фаровонлигини ва маданиятини тинмай юксалтириш учун катта аҳамиятга эгадир. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар шуни таъкидлаб ўтиб, Қрим учрашуви-

БУТУН МАМЛАКАТ— ТОШКЕНТ ЭКРАНИДА

(Бошы 1-бетда)

СССР Министрлар Совети Давлат телевидение ва радио эшиттириш комитетининг раиси С. Г. Лапин ўз нутқини телевизион фильмлар Тошкент кўригининг вазифаларига бағишлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов телевизион фильмлар V Бутуниттифоқ фестивали қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати номидан табриклади. У ўз нутқида телевизион фильмлар ижодкорларига самарали фаолият, янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Ушбу анъана бошланганига етти йил бўлди. Ҳозирча телевизион фестивалларнинг тарихи унча катта эмас. Лекин Киев, Москва, Ленинград, Минскда ўтган ҳар бир фестиваль санъатни ривожлантиришда янги бир босқич бўлди, ушбу санъат ғоявий ва ижодий ўсишининг шоҳиди бўлди.

Тошкент салмоқли бир «эстафета»ни қабул қилиб олди. Ўтган фестивалдан бери мамлакатимизнинг телевизион студиялари ва киностудиялари ойнаи жаҳон учун 600 дан ортиқ фильм яратди. Шулардан 109 таси Тошкент кўригига келтирилган.

Бу фильмлар мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, энг ёрқин босқичларни: Коммунистик партия, барча совет кишиларининг мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш, ленинча халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, бутун дунёда тинчлик учун курашини акс эттиради.

«Тинчлик программаси амалда» ва «Рейндаги учрашув» деган публицистик ленталар бутун дунё диққат билан кузатиб борган энг муҳим воқеалар — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг Америка Қўшма Штатлари билан Германия Федератив Республикасига қилган сафарларига бағишланган. Тошкент экранида шу фильмлар кўрсатилади.

Совет телевидениесининг катта программасига неча ўнлаб студиялар ўз ҳиссасини қўшмоқда. Барча иттифоқдош республикалар телевизион студияларининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган «Бузилмас иттифоқ» туркуми устида олиб борган ишлари биргалашиб ижод этишнинг ёрқин бир намунаси бўлди.

Мана шу кўрикда ижодкор инсонга марказий ўрин берилди. Публицистик, ҳужжатли, бадиий ленталар ижодий вазифани турлича ечиши билан ҳар бири беш йиллик ҳал қилувчи учинчи йили вахтасини заводлар, қурилишлар, далалар, лабораторияларда ўтаётган совет кишиларининг илҳом сарчашмаларини, эътиқод, ижодиёт ва меҳнат қуч-қувватини акс эттиришга ҳаракат қилади.

Фестивалга тақдим этилган 20 га яқин фильм ишчилар синфига бағишланган. «Шахтерлар» (Марказий телевидениенинг «Экран» ижодий бирлашмаси), «КАМАЗ бригадирлари» (Қозон), «Ҳаёт таҳозоси» (Минск), «Одамлар, олов, металл» (Горький), «Тўқувчи» (Тошкент) фильмлари шулар жумласидандир. Қишлоқ меҳнаткашларига бағишланган фильмлар орасида «Ер ҳайдовчилар» (Владивосток), «Қурил нони» ва «Ғаллазор хроникаси» (Саратов) бор.

Красноярскликларнинг «Эндигиси саян», ленинградликларнинг «Туманли оролдан учган қалдирғоч», сахалинликларнинг «Тюлейлар ороли», иркутскликларнинг «Тоғларда тофалария», ашхоболликларнинг «Қорақумда Амур» каби ленталари жонажон ўлканинг ғуззаллигини, табиатни ўзгартиришни, шаҳар ва қишлоқлардаги янгиликларни тараннум этади.

Телевидение ҳар бир уйга кириб, ҳар бир онланинг қалби дўсти ва йўлдоши бўлиб, ҳаётнинг турли соҳалари тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқда. «Экран» ижодий бирлашмаси яратган «Гимнастика дарси», «Солинг» (Пермь) «Спорт шаҳри» (Киров) ленталари сиҳатсаломатлик ва бардамлик мавзуларига бағишланган. «Ўлкамиз муқомлари» (Кишинев), «Қизил рута» (Киев), «Доғистон оҳанглари» (Оржоникидзе), «Жонажон ғаллазорлардан» (Минск), «Енисей лаппарлари» («Экран» ижодий бирлашмаси), «Қамбарнинг сеҳрли сози» (Тошкент) фильм-концертлари хилма-хил халқ ижодиётини ёрқин акс эттиради.

Бадиий фильмлар программаси қизиқарли ва ранг-баранг. Ойнаи жаҳон имкониятлари кўпгина ижодий коллективларни тобора кўпроқ ўзига жалб қилиб бормоқда. Совет Иттифоқининг телевизион студиялари ва киностудиялари фестивалга 26 та бадиий фильм, шу жумладан 9 та кўп серияли фильм тақдим этишди. Булар орасида «Мосфильм» киностудиясининг «Соялар чошгохда йўқолади», «Инглизчадан таржима» («Экран» ижодий бирлашмаси) Довженко номли студиянинг «Бумбараш» лентаси бор.

Мультификацияли фильмлар ўтган фестивалларидагига қараганда хилма-хил ва кўп.

Тошкент фестивалида рангли фильмлар анчагина бор. Рангли программалар кўрсатаётган Тошкент телемарказининг техника билан таъминланиши қўпайганлиги туфайли ҳам шундай фильмларни кўрсатиш мумкин бўлиб қолди.

Миллион-миллион томошабинлар санъат байрамида қатнашадилар — фестиваль фильмлари Тошкент телемаркази ва Ўзбекистоннинг бошқа телемарказлари орқали кўрсатиб турилади. Бир қанча ленталарни киноэкранда ҳам кўриш мумкин бўлади. Кўпчилик телевизион томошабинларнинг таассуротлари фестиваль ғолибларини чиқаришга ёрдам беради.

Бадиий фильмлар, ҳужжатли фильмлар, телефильм концертлар бўйича тузилган жюриларга ғолибларни айтиб беради.

Энг яхши лента яратувчиларни тўрта бош соврин ва 9 та бошқа соврин лар, шунингдек Тошкент шаҳрининг соврини ва Тошкент томошабинларининг соврини, ижодий союзлар ва ташкилотлар таъсис этган мукофотлар кутмоқда.

Фестиваль давом этадиган 12 кун мобайнида турли студиялар-нинг ижодиёти билан танишиш-лар, мунозаралар, фестиваль қатнашчиларининг завод ва дала меҳнаткашлари, олим ва жангчилар билан учрашувлари ўтказилади.

Социалистик мамлакатлар телевидение ходимлари ва кино усталари Тошкент фестивалига меҳмон бўлиб келишди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов иштирок этдилар.

...Шундай қилиб, залда Бутуниттифоқ фестивалининг бонги янгради. Радиотўлқинлар бу оҳанг-ни социалистик мамлакатлар-нинг барча радиоэшиттириш комитетлари ва радиолари, Интервидение ва Евровидение ўтказиладиган мамлакатлар ва Ер шарининг бошқа мамлакатлари ва минтақаларига етказиб берди. Ер шарининг ҳар бир ҳудудида ҳаётнинг ҳар бир соҳасини ўз ичига олган ҳаётимизнинг ҳаётбахш моҳиятини ифодаловчи ҳужжатлар, ҳикоялар, ҳажвий ҳикоялар, ҳажвий ҳикоялар, ҳажвий

АРМИЯ, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият тўгаракларида авиаспорт ишқибозлари кўп. Улар машқлар вақтида парашютдан сакраш, самолётларни бошқариш маҳоратини ўрганадилар. Авиация спорти халқаро майдонда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро авиация федерацияси томонидан қайд қилинган жаҳон рекордларининг қарийб ярми бизнинг авиаспортчиларимизга тегишлидир. Суратларда: комсомол аъзоси Волида Аҳмедова само шунқорлари сафидан жой олган. Бу инженер қиз учиш маҳоратини тобора оширмоқда. Пастдаги суратда самолётлар стартга чиқмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ).

ФАЗО-КӨР ҚИЗ

ДОМИНГА

ҲИКОЯ

Йўқ, Домингга йиғлаши керак эмас. Унинг болалари аллақачон у ёқда, кемада. Қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади: «О... на.. жон...» Доминга йиғламайди, йўқ. Агар у йиғласа, кемани ҳам, ўз болаларини ҳам... бошқа кўролмайди. Домингани йиғлаши керак эмас.

Жаноб Гоми ҳали ҳам нарвончада турибди. У чемоданларни санаб кўради ва юк ташувчиларнинг гўрига гишт қалайди: улар энг катта чемоданни йўқотиб қўйишибди. Чемоданда болалар буюми бор эди. Уларни Доминга жойлаштирганди. Болалар, ҳув ана, кемада. Улар қичқиради: «О... на.. жон...» Қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади. Аммо Доминга ҳаммасини: жаноб Гомининг негрлари қандай жеркиётганини ҳам, негрларнинг ҳозир шошиб кема саҳнига чемоданларни тахлаётганликларини ҳам кўриб турибди. Кема — унга нима? Ҳозир тутунини бурқситиб жўнаб қолади. Мана бу оқ танли капитан ҳам улкан кемада сузиб кетади ва қайтиб келмайди.

Доминганинг юраги эшитмоқда: «О... на.. жон...»

Доминганинг қалби қийноқда... Кўзлари ҳам кемага шундай тикилган. У йиғламаслик учун кўзларини юмади. Доминга йиғлашни истамайди, йўқ. Доминганинг йиғлаши мумкин эмас.

Доминга эслайди. Жаноб Гомининг фермани сотган куни ёдида. Аввалига у унга ҳеч нарса айтмади. У фақат кейингина буни унга айтди:

«Доминга болаларни ўзим билан бирга Путога олиб кетаман. Улар унда ким бўлиб етишади? Улар ҳам оқларнинг махсус олий ўқув юртида ўқийсин, ўқимишли кишилар бўлишсин...»

Доминга нима қилиши керак? Улар унинг болалари-ку, кўкрак сути берган. Йўқ, у уларни юборомайди, юборомайди!..

Доминга йиғламайди, йўқ. Болалари эса кемада.

Улар қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади. Доминга уларни юборишни истамайди. Унинг боши айланади. Мана бу оқ танли капитан унга ўшқиради, кемадан нарига ҳайдайди. Кема эса суза бошлади... У бошқа қайтмайди... Доминганинг кўзлари ёшга тўла, бироқ у йиғламайди. Доминга мана бу гавжумликдан биронтасини ҳам бошқа кўролмайди. Жаноб Гоми юкчиларнинг ҳақини тўлади, болалар ҳам ўша жойда, кемада. Доминга йиғламайди... Аммо, ахир улар кўкрак сути берган болалари-ку... Мана улар кетмоқда...

Жаноб Гоми бу ҳақда айтганида, у уларни юборишни хоҳламаганди. «Нима учун, Доминга!..» «Нималигини нахотки билмайсиз?..» Кейин эса бундай деганди:

«Зека, болаларга айт, оналарини унутмасин, хат ёзиб турсин...»

Болалар, энди қайтмайди. Кимким, Доминга энди буни билади. Энди болалар қайтмайди. Улар у ёқда, кемада. Қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади. Улар оналарини қандай чақираётганини Доминга эшитиб турибди. Шундай шовқинда фақат Доминга улар овозини ажратиши мумкин. Доминга қалби, бу улар овози эканлигини сезади.

Фақат уч мартагина у жаноб Гомини ўз исми билан атаган. Биринчи марта, қизлик чоғида, дўконда айтганди Жаноб Гоми дўконда ишларди. Доминга унга шундай деганди: «Менга ун, мана бу... пальма ёғидан беринг... кейин...» Дўконда ҳеч ким йўқ, жаноб Гоми Домингага тикилади, тикилади, у унга деди: «Ҳей, жаноб Гоми, мен шошиляпман». Жаноб Гоми эса қўлини унинг кўксига чўзди. «Жаноб Гоми! Қўйинг. Нима қиляпсиз ўзи, сиз?.. Қўйиб юборинг!..» Кейин эса, кейин.. бу воқеа бўлгандан сўнг, Доминга унга деди:

«Зека, сиз... мени шарманда қилдингиз...»

Жаноб Гомига негр қизи Доминга ёқиб қолди. У унга тоза газламалар, шиша мунчоқлар... совға этди... Доминга унинг уйида, оқ танли билан бирга яшай бошлади. Энди Доминга бошқа негрлар каби қўпол, дағал муомалали эмас эди. Йўқ... У оқ танли билан яшарди. Негрлар-чи? Уни таҳқирлар, имонсиз деб аташарди. У ўз наслини эсдан чиқарди, парвардигор унга кўрсатади, дейишарди.

«Чиндан унга кўрсатармикан?!»

«Мана кўрасан...»

Ўх! Доминга улардан донороқ эди. Баҳсларда негрлар шовқин солар, худо — оқ дерди:

«Оқ бўлса-чи, нима негрлар болалари эмасми?! А? Худди шундай! Сизлар бўлса мени ундан туғади, худонинг болаларини туғади деб... таҳқирлайсизлар!..

«Сен Мулат туғасан».

«Мулат?»

«Мулат, уларнинг на исми, на қабиласи бўлади. Ўзингнинг жаноб Гомингдан сўраб кўр, айтаолсин, бу китобларда ҳам ёзилган-ку? Мулатларнинг насли ҳам, қабиласи ҳам йўқ».

Бундай эмас... Доминга билади. Унинг болаларида ҳаммаси бор: насли ҳам, қабиласи ҳам. Ахир унинг болалри-ку. Ана улар, кемада. Путога кетяпти. Энди қайтиб келмайди...

Чолга нима дегани Доминганинг ёдида:

«Мен эмас, сиз имонсиз! Ҳа, сиз...»

Барибир Доминга учун хавфли эди, негрларнинг кўзи тегади деб қўрқарди... Жодукашга неча марта қатнади...

Доминга оқ танли билан яшарди. Жаноб Гомининг уйида яшарди, ўша ерда болалари кўпайди, ўша ерда сочи оқарди. Энди у жуда қариб қолган. Мана жаноб Гоми уни охири ёлғиз ухлашга олиб келди. У-чи... У доим хоҳланини қилади, Доминга эса, кимкимлигини яхши билади. Лекин у афсусланмайди. Унинг болалари оқ, болалари...

Барибир ким бўлмасин — Домингга оқ танли билан яшарди, жаноб Гоми билан бирга. У бошқалардек эмас эди. Уни дўконни бошқарди, болаларини ўстирди... Дўконга уни ё бирон нарса олиш учун келган чоғида бошқа негрларни ҳам кўрди. Улар унга нима керак? Унинг болалари бор — яхши болалар. У ўшалар ҳақида қайғуради, қарғашга келганда, қарғамайди...

Кейин жаноб Гоми дўконни сотди... Ирирк ер эгаси бўлди. Унинг қариндош-уруғлари ва бошқаларнинг ерларини сотиб олди. Яхшиси ерга пул олинглар, йўқса қаровсиз қолибди дерди, акс ҳолда ер ҳуқуқидан ҳам батамом маҳрум бўласизлар. Унда эса пул кўп... Жаноб Гоми бой... Агар унга бировларнинг ери ёқиб қолса, албатта, сотиб олади. Негрлар ўзларининг бути-танозамби унга кўрсатади, дейишарди... Доминга барибир. Унинг рўмоли бор, жудаям чиройли... Билакузуги ҳам... шиша мунчоқлари ҳам...

Иккинчи марта Доминга уни Зека деб, ўғилчаси улганда атаганди... Ўшанда жаноб Гоми уни роса савалади...

«Аблаҳ, нега болани жодукашга олиб бординг ахир мен дўхтир чақир, демаганмидим?!

Доминга эса тушунмади. Йиғлаб-йиғлаб аламини йиғидан олди.

« Зека, ўғилчамиз ўлди!..» — деди у, иккинчи марта унинг исмини атаб.

Жаноб Гоми ҳам йиғлади. Ўғилчанинг онасини қайтиб урмади... Эҳ, ўғилча ўлди!..

Учинчи марта у уни Зека мана эндигина айтди:

«Зека» болаларга айт, хат ёзиб турсин...»

Болалар кетяпти.

Жаноб Гоми яхши. Жудаям яхши. Унга шаҳардан уй... янги... катта уй совға қилмоқчи бўлди... Унга банкада пул ҳам қолдирмоқчи бўлди. Доминга рад этди... Унга энди нима керак... Бир ўзи — негр аёл! Байрру Пераридаги бу ёғоч уй ва шахсий дўконча — бошқа гап... Домингага бошқа ҳеч нарса керак эмас. Шундай ҳам яшайверади... Катта шаҳарда уй, банкада пул унга нима керак? У ҳам қорамойтан.

«Зека, болаларга айт хат ёзиб турсин...»

Доминга билади, болалар энди қайтиб келмайди. Оналарига хат ҳам ёзмайди. Болалари кетади, қайтиб келмайди. Улар оқ танлилар мактабида ўқийди, лапашанг бўлмайди.

Бошқа болалар ундан сўрашади:

«Оналарингиз ким?»

«Онамизми — жавоб беради улар. — Чўри-малика ҳақида ўқиган, кейин яна шундай деган: Энди кишан тақмайманми?» Бу бизнинг бувимиз, онамиз эса...»

Болалар ҳамма вақт оналарининг нуфузли бўлишини хохлайди, оналари билан мағрурланишни истайди, ҳа... Доминга ҳаммасини тушунади... Лекин болалари кетади, бошқа қайтиб келмайди. Агарда қайтса ҳам бой, нуфузли бўлади... Жаноб Гоми уларга плантацияснни беради. Доминга биладн, болаларга ишчилар маҳалласидаги дўкон билан она даркор бўлмай қолади. Улар ўз оналарининкига келишни истамайди... Қайтиб келмайди... Оналарига хат ҳам ёзмайди. Балки, аввал суратларини юборар, кейин эса... Доминга билади: қайтиб келмайди... у эса уларни юборяпти... Кўзлари йиғи истаган — бу Доминга эмас. Болалар аллақачон у ерда, кемада... Агар йиғласа бу кемани бошқа кўраолмайди.

Йўқ. Доминга уларни кўряпти. ўзининг болалари! Атроф ғуж-ғуж... Юк, чемодан кўтарган негрлар кўз қаршисида гимирлайди. Мана бу оқ танли ўз кемасида. У ҳам... уни ҳайдаш хаёлида. Ҳозир кема жўнайди, болаларни олиб кетади.

Домингга уларни кўряпти... Антоника... Қандай чиройли қиз... Оҳ, улар билан онаси ёима-ён эмас, зорини тингловчи йўқ... Зекита эса... йигит бўлиб қолипти!.. Зекита ҳам кетяпти... Унинг Тониласи қандай ажойиб куларди?! У қизнинг куйлаши!.. Радиодан тўхтовсиз ашула айтадиган бўлади. Радиодан унинг қўшиғини ҳамма тинглайди... айниқса, рақсга тушадиган қўшиғи яхши... Айтишади, буни Тоника куйлаяпти, Тоника, Доминганинг қизи!

Доминга йиғламайди, йиғлолмайди энди... Мана бу оқ танли уни яна нарига ҳайдайди. Кема эса, мана-мана жўнайди. Кемада эса Бастиан... Қандай чиройли йигит бўлиб етишибди! Шундай ақлли! Яхши ўқиб дўхтир бўлади... ҳамма уни дўхтир Бастиан деб атай боошлайди. Дўхтир Бастиан! Дўхтир! Бастиан! Ҳа, негр аёл Доминганинг ўғли, биласизми, унинг яна ишчилар маҳалласида дўкончаси бор. Дўхтир Бастиан... дўхтир... Зекита-чи! У тўпни шундай қувлайди! А?! Унинг дала бўйлаб тўп ортидан югурганини кўрмоқ керак! Унинг ўйини жудаям чиройли чиқади!

Балки футболчи бўлар. У ерда стадионда ҳамма «Зе-ка! Зе-ка! Зе-ка! Го-ол-ол!.. Зе-ка!!!» деб қичқирганини у радиодан эшитиб ўлтиради. Зекита-чи? У ўша, қайсики, шу аёл туққан. Дўкондаги кекса негр аёл... Доминганинг ўғли. Онаси Домингга... Йўқ... Домингга йиғламайди... Йиғламайди...

«Х-ху-ху!» — қичқирди кема... сузди... болалар ҳам унда, улар қичқиради: «О. на... жкон!» ва қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади. Доминга кўз ёшларини бошқа тутиб туролмайди.

Мана бу ўткинчи оқ танлилар эса, тушунмайди:

У маст эмас, йўқ! Домингга ичмайди. Фақат энди болалари қайтмайди. Агарда қайтган тақдирда ҳам ўзларининг қора оналарини эслолмайди... Болалар! Ана улар у ерда, кемада. Қўлларини силкитади, рўмолчаларини силкитади ва қичқиради: Ооо... на... жон... Ооо... на... жоон.

Эргаш МУҲАМЕДОВ
таржимаси.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Келишгангина жувон қабулхона эшигини очиб, майин табассум билан секретарь қиздан сўради:

—Яхши қиз, директорингиз шу ердамилар, зарур ишим бор эди, кўриб кетсам бўладими!

— Албатта бўлади. Сиз директорингизни билмас экансиз, сиздақа аёлларни ҳеч ҳам куттирибмайдилар.

— Бўлмаса келин ойим келибдилар деб қўйинг.

* * *

Раҳбар ўз қўли остида ишлайдиган ходим хонасини кўздан кечираётиб, бир неча бўш шишаларни топиб олди.

— Бу бўш шишалар қаердан келди! — бошлиқ ходимидан сўрайди.

— Ўзим ҳам ҳайронман, мен бирор марта ҳам бўш шиша сотиб олган эмасдим.

* * *

— Дўстим, кўз тегмасин-у, зап ажойиб меҳрибон хотининг бор-да. Қара, атрофингда парвона бўляпти.

- Бугун менинг маош оладиган кунимда.

Орадан ўн беш кун ўтгач.

— Оғайни хотинингга нима бўлган. Саволингга жавоб бергиси ҳам келмайди-я.

— Бугун хотинимнинг маош оладиган куни.

* * *

Бир киши ўртоғига ҳасрат қилди.

— Мен хотиним билан ажрашмоқчиман. Нега десанг олти ойдан бери мен билан гаплашмайди.

— Вой, тентак-ей, бунақанги камгап хотинни яна қаердан топасан.

* * *

Она ўғлини юриш-туришини қаттиқроқ назорат қилишга аҳд қилди.

— Ўғлим, тағин қаерга кетяпсан! — сўрайди она.

— Хоҳлаган жойимга.

— Қачон қайтасан.

— Истаган вақтимда.

— Яхши, лекин билиб қўй, бир минут кеч қолсанг...!

ДОРИХОНАЛАР КЎПАЯДИ

Областимизда янги типдаги дорихоналар қурилиб битказилаётир. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги замон медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Яқинда Бўка районининг Ильич номли колхоз территориясида янги типдаги дорихона фойдаланишга топширилди. Бу йил областимизда янгича жиҳозланган дорихоналар сони ўнтага кўпаяди. Улар Юқори Чирчиқ районининг колхозларида, Оққўрғон район марказида, Ўрта Чирчиқ районида дорихоналар қурилиши кенг кўламда олиб борилаётир. Бешқайрағоч массиви аҳолиси учун 10 фармацевт-ходим ишлайдиган дорихона қурилаётир. Шунингдек, Янгиобод массивида ва Чилонзорнинг 21-кварталида ҳам янги дорихоналар қурилиб ишга туширилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҲАЙВОНЛАР УХЛАГАНДА

Эоғча, қарқара, лайлак, чуғурчуқ бир оёқларида туриб ухлайдилар. Кўршапалак ва Малайя тўтиси икки оёқларини осмонга кўтарган ҳолда, саъва эса икки оёғи билан дарахт шохига ёпишиб ухлайдилар. Олмахон шохга халқасимон ўралиб олиб юмшоқ думини устига ёпиб ухлайди. Африка филлари тикка туриб, ҳинд филлари ёнига ётиб, оёғларини узатган ҳолда ухлайдилар.

Арҳарлар—ёввойи қўйлар ҳамиша жуда огоҳ бўлишлари керак. Шунинг учун улар суғурларнинг ёнига борибоёқларини узатган ҳолда ётиб ухлайдилар. Бирор ҳавф-хатар юз берадиган бўлса суғурлар қичқириб чийиллай бошлашади, арҳарлар дарҳол уйғонишади-да қочиб қолишади.

СУВДАГИ ЭРИТМАЛАР

ТАБИАТДА мутлақо соф сув йўқ. Ҳатто бир томчи ёмғирда ҳам газ ва турли минерал моддалар бор. 30 килограмм ёмғир сувн лабораторияда буғлантирилганда 1 грамм қуруқ модда опинган.

БИР-БИРИГА УХШАМАЙДИ

ГУПУЛЛАБ ёғадиган қор парчаларн оддий кўзга ҳаммаси бир-бирига ўхшаш бўлиб кўринсада, аслида аҳвол тамоман бошқача, 6 минг дона қор парчаси-заррларининг фотосуратини олиб бирбиригa солиштирилганда бирон таси ҳам иккинчисига ўхшамаган.

ТУҚҚАЧ УЗИ УЛАДИ

БОЛАНИ тухумдан очмай тирик туғувчи голамянка деб аталувчи балиқ, боласини туққан ҳамон ўзи ўлади. Бу балиқ бутун ер юзида фақат Байкал кўлидагина яшайди.

ОҚҚУРҒОН районидаги «Оққўрғон» совхозида Максим Горький номли мактаб бор. Бу билим даргоҳи улуғ рус ёзувчиси хотирасини ҳамиша ёдда сақлаб келади. Мактабда яқинда Максим Горький ҳайкали ўрнатилди. Суратда: ўқувчилар ҳайкал ёнига гулчамбарлар қўйишмоқда.

Х. Аввалов фотоси.

ТУГАНМАС МЕРОС

Илмий, ижодий меросдан ўқувчиларни баҳраманд қилиш таълим-тарбияда муҳим аҳамиятга эга. Бу хил машғулотлар ёшларда ўтмишга бўлган қизиқишни оширади, бугунги тараққиётимиз билан фахрланишга одатлантиради.

Улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг баркамол илмий фаолияти ҳам бебаҳо меросга айланган. Олимнинг турли фанларга доир қарашлари билан ўқувчиларни таништириш, ўқитувчилардан катта маҳорат талаб этади.

Олим меросида дидактик аҳлоқий томонлар кўп. Машғулотларда булардан ўринли фойдаланиш лозим. Чунончи, тарбиявий соатларда Берунийнинг доно фикрлари ҳақида суҳбат уюштириш, ўқувчилар конференцияларини ўтказиш фойдадан ҳоли эмас.

«Билим, — деган эди олим, — қайтариш ва такрорлаш мевасидир». Бу ва шунга ўхшаш фикрларини ўқувчилар онгига етказишда савол-жавоб усулидан фойдаланса бўлади.

Улуғ мутафаккир қуйилган қуннинг минг йиллиги нишонланиши муносабати билан унинг фаолиятига доир янги илмий ишлар ёзилди, оммалашди. Булар ҳам ўқитувчи учун бой материал бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимиз буюк олимнинг набираларидир. Улар ўз боболарининг илм-фанга қўшган бебаҳо ҳиссасини қизиқиш билан ўқиб-ўрганадилар, у билан фахрланадилар.

Собир АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги 3-мактабнинг ўқитувчиси.

ПЕШҚАДАМ ЎЗ ЎРНИДА

Олий лига футбол коллективларининг ўтган шанба кунги учрашувлари пешқадамлар — «Арарат» ва «Динамо» (Киев) футболчиларининг мавқеини ўзгартирмади. Арман футболчилари Ворошиловград шаҳрида ўтган йилги чемпион «Заря» устидан 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Киевликлар эса Тбилиси динамочиларини қабул қилиб, икки очко олдилар — 2:1. Шу ҳисоб Минскда ҳам қайд қилинди. Майдон эгалари Москва динамочиларини енгдилар. Ростовда ўйнаган «Қайрат» маҳаллий армиячиларни ҳам шу ҳисобда ютди. «Зенит» «Карпати»ни 3:0 ҳисобида мағлуб қилди.

Тошкент пахтакорчилари Донецк шаҳрида «Шахтёр»га қарши учрашувни тенг кураш билан ўтказдилар. Лекин майдон эгаларининг биринчи бўлимда киритган ягона тўпи ўйин тақдирини кончилар фойдасига ҳал қилди. «Пахтакор» ҳужумчилари (хусусан дарвозабон билан яккама-якка чиққан Абдурамов) имкониятдан фойдалана олмадилар.

Иккита учрашувда ўн бир метрлик штраф зарбалари тепишга тўғри келди. ЦСКА — «Днепр» асосий вақт ичида 0:0 ҳисобида дуранг қилдилар. Штраф зарбаларини муваффақиятли бажарган украин спортчилари ютиб чиқишди — 5:3. Москва спартакчилари билан торпедочилар 1:1 ҳисобида ўйнашди. Пенальтига кўра 5:4 ҳисобида спартакчилар енгди.

Турнир жадвали:

Командалар	Ў	Ю	М	Т	О
Арарат	23	15	8	41—21	28
Динамо К	23	15	8	36—19	27
Шахтёр	23	14	9	24—21	25
Динамо М	22	14	8	31—22	23
Днепр	23	15	8	29—29	23
Заря	23	11	12	29—18	22
Спартак	22	12	10	27—24	21
ЦСКА	23	13	10	27—29	21
Қайрат	23	13	10	23—33	21
Динамо Тб	22	12	10	22—23	19
Зенит	23	10	13	27—23	17
Торпедо	22	8	14	23—27	16
Пахтакор	22	7	15	28—32	13
Динамо Мн	22	7	15	16—25	12
СКА	23	8	15	15—30	11
Карпати	23	7	16	22—44	11

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни эртага Тбилисида маҳаллий динамочилар билан ўтказади

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбекистон футбол чемпионатида қатнашаётган командалар биринчи давра учрашувини тугатишди.

Биринчи группада Тошкентнинг «Старт» командаси учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, пешқадамлик қилмоқда — 15 очко. Иккинчи группа пешқадами — Гулистонинг «Мотор» коллективи 8 та ўйинининг ҳаммасини ғалаба билан тугатди. Бу группада қатнашаётган Тошкентнинг «Трактор» футболчилари 11 очко билан иккинчи ўринда бориши мақда. Шу группадаги Олмалиқнинг «Металлург» коллективи тўртинчи ўринда турибди (8 очко). Самарқанднинг «Строитель» футболчилари эса учинчи группада етакчилик қилишмоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 —Кўғирчоқ фильм. 18.50 — «Глобус» программаси. 19.20 — Совет тинчлик программаси амалда. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Санъат усталари. СССР халқ артисти Шукур Бурхонов. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.35 — МОСКВА. 19.00 Хоккей: «Крылья Советов» (Москва) — «Спартак» (Москва). 19.40 — Инсон ва қонун. 20.10 — Телефильм. 20.50 — Инженер Промчатов (бадиий фильмнинг 2 серияси) 22.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. (Тошкент). 22.30 — А. Твардовский поэзияси. 23.05 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — V Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган ҳужжатли, бадиий ва музикали фильмлар намойиши. 19.35 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Тошкент янгиликлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11 IX да Шоҳ Эдип.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Решма ва Шера: Шахсий ўйинги — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.00, 20.45).

Геркус Мантас — «ЧАНКА» (12.00, 15.00 18.00, 20.45), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45), «МОСКВА» (12.00, 14.30, 17.00, 21.00), «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45).

Қизлар қасамёди — «СПУТНИК» «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Аччиқ гуруч — «СПУТНИК» (тоқ соатларда — кундуз ва кечқурун).

Фантомас (2, 3 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30).

Дайди — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИ номли (10.40, 14.00, 17.10, 20,20).

Кашмирдаги муҳаббат — ҲАМЗА номли, (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Бошсиз чавандоз — «МОСКВА» (10.00, 19.30).

Михай ботир (2 серия) — «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Қизлар қасамёди — «ФЕСТИВАЛЬ»;

300 спартанлик — «ХИВА»;

Фантомас (3 серия) — ТЕЛЬМАН номли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

СССР халқ артисти Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Шукур БУРХОНОВ туғилган кунинг 60 йиллиги олдидан

11 СЕНТЯБРДА

Софокл

ШОҲ ЭДИП

(2 пардали трагедия)

Спектаклда СССР халқ артисти, СССР давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Сора ЭШОНТУРАЕВА ва СССР халқ артисти, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Шукур БУРХОНОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 сентябрда

Кузги мавсум очилади

Иван Анисимов раҳбарлигида «Ургатилган айиқлар» аттракциони ва ранг-баранг программа.

Томошалар — 19.30;

Шанба кунлари — 15.00, 19.30;

Якшанба кунлари — 12.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Билетларни олдиндан сотиш кассаси ҳар куни соат 12.00 дан ишлайди.

Цирк яқинида 1, 4, 25, 52, 54, 74, 19, 41, 49-автобусларнинг охирги бекати жойлашган.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институти коллективи бўлим бошлиғи А. Шокировга акаси

Маҳамадёр ШОКИРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.
Р. 03664.